

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 04 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, Чилонзор тумани “2-Чарх Камолон” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, судья Д.Турсунов, суд мажлиси котиби судья ёрдамчиси Ш.Эсиргадиев, тарафлардан давлат айбловчиси - Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Ахмедов, судланувчи С.Мамиров ва унинг ҳимоячиси “ADVOKAT MIRA” адвокатлик бюроси адвокати А.Юлдашев, судланувчи Ч.Қурбанов ва унинг ҳимоячиси “SHIROZA-НИМОҲА” адвокатлик фирмаси адвокати Ш.Юльчиева, жабрланувчи Ў.Султоновнинг иштирокида, Мамиров Собир Олимжон ўғли ва Қурбанов Ченгиз Мамадали ўғлига нисбатан 1-1006-2407/510-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мамиров Собир Олимжон ўғли (MAMIROV SOBIR OLIMJON O'G'LI), 2000 йил 5 июнда Сирдарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Бирлик МФЙ, Бахмал кўчаси, 18/2-уйда яшайди, 2024 йил 15 апрелда ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 16 апрелда озод қилинган, 2024 йил 16 апрелда ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 17 апрелда озод қилинган, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган;

Қурбанов Ченгиз Мамадали ўғли (QURBANOV CHENGIZ MAMADALI O'G'LI), 2000 йил 1 декабрда Сирдарё вилоятида туғилган, миллати қирғиз, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Ота юрт МФЙ, Таниқли кўчаси, 7-уй, 8-хонадонда яшайди, 2024 йил 15 апрелда ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 16 апрелда озод қилинган, 2024 йил 16 апрелда ЖПКнинг 227-моддаси



тартибида ушланиб, 2024 йил 17 апрелда озод қилинган, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчилар С.Мамиров ва Ч.Қурбановлар олдиндан жинойий тил бириктиришиб, 2024 йил 12 апрель куни соат тахминан 10:50да Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида жойлашган “Новза” метро бекати яқинида бўла туриб, ушбу метро бекати олдидадан ўтувчи “Муқимий” кўчасини пиёдалар кесиб ўтиш учун мўлжалланган ер усти кўпригининг тушиш зинасининг пастки қисмида қулфланган ҳолатда бўлган Ў.Султоновга тегишли нархи 100 АҚШ долларлик (*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 12.04.2024 йилдаги маълумотномасига кўра, 1 АҚШ доллари 12675,88 сўмни, 100 АҚШ доллари 1.267.588 сўмни ташкил этган*) “BONVI” русумли велосипедни яширин равишда талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинишган.

Судланувчи С.Мамиров суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2024 йил 12 апрель куни у ва ўртоғи Ч.Қурбанов биргаликда Чилонзор тумани, Муқимий кўчасида жойлашган “Қамиш” ресторанига иш гаплашгани кетишаётган бўлишганлиги, йўлда “Новза” метро бекати олдидаги Муқимий кўчасининг устидан пиёдалар ўтиши мўлжалланган осма кўприкнинг олдидадан ўтиб кетаётган вақтларида кўприкдан тушиш қисмининг тагида бир дона қора-қизил рангли “Бонви” русумли велосипед қаровсиз турганлигини кўришганлиги, сўнг ушбу велосипедни ўғирлаб, сотиш фикри пайдо бўлганлиги, улар “Новза” метро бекатига тушиш қисмида туриб, у велосипедни олиб кетадиган бўлганлиги, Чингиз эса атрофни кузатиб туриб, олдинроқда кетадиган бўлганлиги, сўнг ўзаро кийим алмаштириб, метродан қайтиб чиқишганлиги, Ченгиз осма кўприкнинг устига чиқиб, атрофни кузатиб ҳеч ким йўқлигини айтганлиги ва у кўприкнинг тушиш қисмида турган қулфланган ҳолатдаги велосипедни орқа қисмини қулфланганлиги учун кўтариб, Ч.Қурбановнинг орқасидан велосипедни олиб кетганлиги, велосипедни “Новза” масжидига етмасдан жойлашган кўп қаватли уйнинг орқа ховли томонига



олиб бориб, биринчи кириш эшиги олдида турган “Нексия-3” русумли автомашинанинг орқасига жойлаштириб қўйишганлиги, тахминан икки соатлардан сўнг, келиб қарашганида велосипед жойида турган бўлганлиги, велосипедни сотиб юбормоқчи бўлишганлиги ва қоронғу тушишини кутишганлиги, соат 20:30ларда велосипеднинг қўйган жойига келишганида велосипед жойида йўқлигини ва ушбу ер яқинидаги бошқа жойда турганлигини, олдида ички ишлар ходимлари турганлигини кўришганлиги, орадан 2-3 кун ўтиб, 2024 йил 15 апрель куни уни ва ўртоғи Ч.Қурбановни ички ишлар органи ходимлари ушбу велосипед ўғирлиги бўйича гумон қилиб чақиришганлиги, улар бўлган ҳолатни батафсил айтиб беришганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда содир қилган ҳаракатлари оқибатларини тушуниб етиб ва бундан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, унга енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ч.Қурбанов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2024 йил 12 апрель куни у ва ўртоғи С.Мамиров биргаликда Чилонзор тумани, Муқимий кўчасида жойлашган “Қамиш” ресторанига иш гаплашгани кетаётган бўлишганлиги, йўлда “Новза” метро бекати олдидаги Муқимий кўчасининг устидан пиёдалар ўтиши мўлжалланган осма кўприкнинг олдидан ўтиб кетаётган вақтларида кўприкдан тушиш қисмининг тагида бир дона қора-қизил рангли “Бонви” русумли велосипед қаровсиз турганлигини кўриб ўтиб кетишганлиги, сўнг шу куни велосипедни ўғирлаб, сотиш фикри пайдо бўлганлиги, “Новза” метро бекатига тушиш қисмида туриб, веловсипедни олиб кетишни муҳокама қилишганлиги, С.Мамиров унинг тўқ яшил рангли спорт кийимини кийиб велосипедни олиб кетадиган бўлганлиги, у эса унинг сариқ рангли спорт кийимини кийиб, атрофни кузатиб туриб, олдинроқда кетадиган бўлганлиги, сўнг ўзаро кийим алмаштириб, метродан қайтиб чиқишганлиги, С.Мамиров кўприкнинг тушиш қисмида турган қулфланган ҳолатдаги велосипедни орқа қисмини қулфланганлиги учун кўтариб, унинг орқасидан велосипедни олиб келганлиги, велосипедни “Новза” масжидига етмасдан жойлашган кўп қаватли уйнинг орқа ховли томонига олиб бориб, биринчи кириш эшиги олдида турган “Нексия-3” русумли автомашинанинг орқасига жойлаштириб қўйишганлиги, соат 20:30ларда велосипеднинг қўйган жойига келган вақтларида велосипед жойида йўқлигини ва ушбу ер яқинидаги бошқа жойда турганлигини, олдида ички ишлар ходимлари турганлигини кўришганлиги, орадан 2-3 кун ўтиб, 2024 йил 15 апрель куни уни ва С.Мамировни ички ишлар органи ходимлари велосипед ўғирлиги бўйича гумон қилиб



чақиришганлиги, улар бўлган ҳолатни батафсил айтиб беришганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда содир қилган ҳаракатлари оқибатларини тушуниб етиб ва бундан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, унга енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ў.Султонов суд мажлисида, 2024 йил 12 апрель куни ўзига тегишли бўлган велосипеди билан Чилонзор тумани Новза маҳалласида жойлашган “Новза” метросининг пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган осма кўприк остида велосипедини қулфлаб қолдириб, ўз ишига Юнособод тумани, 18-мавзеда жойлашган “Корзинка” савдо марказига кетганлиги, 2024 йил 12 апрель куни соат 16:30ларда иш жойидан қайтганида “Новза” метросининг пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган осма кўприк остига бориб қараганида ўзига тегишли бўлган велосипеди йўқлигини билганлиги ва ён-атрофларни қараб чиққанлиги, барибир тополмаганлиги, сўнг “102” ишонч рақамига кўнғироқ қилганлиги, кейин ИИО ходимлари томонидан унга велосипеди қайтарилганлиги, ҳозирги кунда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, судланувчи Ч.Қурбанов ва С.Мамировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатувлар бериб, судланувчиларга енгиллик беришни сўради.

Суд, судланувчилар С.Мамиров ва Ч.Қурбановларнинг жиноят содир этишдаги айби, ўзларининг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган ва жабрланувчининг берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, ашёни олиш, нарсани кўздан кечириш, нарсани таниб олиш, юзлаштириш баённомалари, ашёвий далил, нарсани ашёвий далил деб топиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят иши бўйича барча тўпланган, текширилган, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланган далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчилар С.Мамиров ва Ч.Қурбановларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан уларнинг олдиндан жиноий тил бириктиришиб, Ў.Султоновга тегишли нархи 100 АҚШ долларлик “BONVI” русумли велосипедни яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган қилмиши ўғирлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жинояти аломатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, С.Мамировга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмагани,



айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қопланиб, унинг судланувчиларга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга ЖК 169-моддаси 2-қисми билан ушбу модда санкцияси доирасида жарима жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида С.Мамировнинг ушлаб турилган (2024 йил 15-16 апрель) ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлаб, жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, Ч.Қурбановга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмагани, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қопланиб, унинг судланувчиларга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга ЖК 169-моддаси 2-қисми билан ушбу модда санкцияси доирасида жарима жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида С.Мамировнинг ушлаб турилган (2024 йил 15-16 апрель) ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлаб, жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган "BONVI" русумли велосипед жабрланувчи Ў.Султоновга тилхат асосида қайтарилганлиги ва унинг судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган кузатув камераларидан олинган видеотасвирлар ёзилган 1 дона DVD дискини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Мамиров Собир Олимжон ўғли (MAMIROV SOBIR OLIMJON O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида, яъни 1.700.000 (бир миллион етти юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида С.Мамировнинг ушлаб турилган (2024 йил 15-16 апрель) ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва С.Мамировга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) баравари миқдорида, яъни 1.360.000 (бир миллион уч юз олтмиш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинланган жарима давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи С.Мамировга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Қурбанов Ченгиз Мамадали ўғли (QURBANOV CHENGIZ MAMADALI O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида, яъни 1.700.000 (бир миллион етти юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида Ч.Қурбановнинг ушлаб турилган (2024 йил 15-16 апрель) ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва Ч.Қурбановга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) баравари миқдорида, яъни 1.360.000 (бир миллион уч юз олтмиш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинланган жарима давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи Ч.Қурбановга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган “BONVI” русумли велосипед жабрланувчи Ў.Султоновга тилхат асосида қайтарилганлиги ва унинг судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган кузатув камераларидан олинган видеотасвирлар ёзилган 1 дона DVD диски жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш учун қолдирилсин..

Ҳукм устидан апелляция шикоят ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкумлар ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ҳукм чиқарган суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкинлиги, агар ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса кассация тартибида қайта кўрилиши мумкинлиги тушунтирилсин.



Раислик қилувчи, судья:
Д.Турсунов

(имзо)

Аслига тўғри:

Маъсул судья: Турсунов Дилмурод Нормуротович



Хужжат имзоланган: Турсунов Дилмурод Нормуротович, 04.07.2024

